




Китобнинг 3D муқовасини тайёрлашда ушбу сайтдан фойдаланилди:

<http://3dcoverdesign.ru/cover3d/categories>

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Нега ишларингиз юришмаяпти?

Бу савол кўпчиликни қизиқтириши аниқ. Ҳақиқатдан ҳам жуда муҳим савол. Чунки Сизнинг фикрингизча бу саволнинг жавобини топсангиз ишингиз юришиб кетадигандек. Аслида ҳам шундайми?

Келинг бу ҳолатни мисоллар ёрдамида кўриб чиқайлик. Масалан қуйидаги мақсадлари бор одамларни олайлик:

- ҳалигача ўз бизнесини оча олмаётган ёки ҳозирда бор бўлган бизнесини ривожлантира олмаётган одам,
- ўзидаги ортиқча вазндан қутула олмаётган аёл,
- соғлигини тиклай олмаётган инсон.

Бирма бир кўриб чиқамиз.

Ўз бизнесини оча олмаётган ёки ҳозирда бор бўлган бизнесини ривожлантира олмаётган одам ўз-ўзига «*Нега ишим юришмаяпти? Нега ҳалигача ўз бизнесимга эга*

эмасман? Нега бизнесим ривожланмаяпти?» деган саволларни бериб кўрса қуйидагига ўхшаш жавобларга эга бўлади:

–Бизнес очиш учун катта пул керак. Менда эса ҳозир бунча пул йўқ.

–Менда ўз бизнесимга эга бўлиш учун тажриба йўқ.

–Ҳозир одамларда пул йўқ, шунинг учун менинг хизматимдан фойдаланувчилар жуда кам ва ҳоказо...

Энди бир ўйлаб кўринг. Бу жавоблардан Сизга қанчалик фойда бор? Бу жавобларни ич-ичингиздан эшитгач Сиздаги ғайрат, шижоат ошадими ёки камайиб, бори ҳам йўқ бўлиб кетадими? Бу жавоблардан кайфиятингиз кўтарилиб ишингиз юришиб кетадими? Албатта йўқ!!! Ва яна йўқ!!!

Бундай жавоблар Сизнинг чорасиз эканлигингизни яна бир бор таъкидлайди. Бу жавоблардан сўнг ўзингизни янада ожиз сеза бошлайсиз. Бу жавоблар Сизни ривожлантирмайди, ишингизни юриштирмайди! Тушуняпсизми?!

«Хўш, у ҳолда нима қилиш керак?» деб сўрарсиз. Сабр

қилинг, жавобини сал кейинроқ билиб оласиз.

Энди иккинчи мисолни қараб чиқайлик.

Ўзидаги ортиқча вазндан қутула олмаётган аёл ўз – ўзига «Нега ишим юришмаяпти? Нега ҳалигача ортиқча вазндан қутула олмаяпман? Нега озгина есам ҳам семириб кетавераман?» деган саволларни берса қандай жавобларга эга бўлади? Тахминан мана бундай:

–Мен ўзи табиатан, туғма семизликка мойилман.

–Мен жуда иштаҳалиман, овқатдан ўзимни тия олмайман.
Диета қилиш – мен учун ҳақиқий азоб.

–Мен семизлик касаллигига чалинганман ва ҳоказо ...

Энди бир ўйлаб кўринг!

Бу жавоблардан Сизга қанчалик фойда бор? Бу жавобларни ич-ичингиздан эшитгач Сиздаги ғайрат, шижоат ошадими ёки камайиб, бори ҳам йўқ бўлиб кетадими? Бу жавоблардан кайфиятингиз кўтарилиб ишингиз юришиб кетадими? Албатта йўқ!!! Ва яна йўқ!!!

Бундай жавоблар Сизнинг чорасиз эканлигингизни яна бир

бор таъкидлайди. Бу жавоблардан сўнг ўзингизни янада ожиз сеза бошлайсиз. Бу жавоблар Сизни ривожлантирмайди, ишингизни юриштирмайди! Тушуняпсизми?!

«Хўш, у ҳолда нима қилиш керак?» деб сўрарсиз. Сабр қилинг, жавобини сал кейинроқ билиб оласиз.

Энди учинчи мисолни қараб чиқайлик.

Соғлигини тиклай олмаётган инсон ўз-ўзига «*Нега ишим юришмаяпти? Нега ҳалигача тузалиб кетмаяпман? Нега соғлом эмасман?*» деган саволларни берса, қандай жавобларга эга бўлади? Тахминан мана бундай:

–Тузалиш учун қимматбаҳо дори-дармонлар керак. Менда эса пул йўқ.

–Менинг иммунитетим ўзи паст, шунинг учун тузалишим қийин.

–Қаричилик, бу ўзи бедаво дард, бу касаллик наслимизда бор бундан қутулиб бўлмайди ва ҳоказо ...

Энди бир ўйлаб кўринг!

Бу жавоблардан Сизга қанчалик фойда бор? Бу

жавобларни ич-ичингиздан эшитгач Сиздаги ғайрат, шижоат ошадими ёки камайиб, бори ҳам йўқ бўлиб кетадими? Бу жавоблардан кайфиятингиз кўтарилиб ишингиз юришиб кетадими? Албатта йўқ!!! Ва яна йўқ!!!

Бундай жавоблар Сизнинг чорасиз эканлигингизни яна бир бор таъкидлайди. Бу жавоблардан сўнг ўзингизни янада ожиз сеза бошлайсиз. Бу жавоблар Сизни ривожлантирмайди, ишингизни юриштирмайди! Тушуняпсизми?!

«Хўш, у ҳолда нима қилиш керак?» деб сўрарсиз. Сабр қилинг, жавобини сал кейинроқ билиб оласиз.

Энг биринчи қиладиган ишингиз - «Нега ишим юришмаяпти?» деган саволни ўзингизга ҳеч қачон бермасликка қатъий қарор қилинг.

Юқоридаги мисоллардан кўриб, амин бўлдики бу саволни бериш бизга ҳеч қандай фойда бермас экан, устига-устак бу саволни бериш бизни муаммоларга янада чуқурроқ кўмиб, вазиятни янада оғирлаштирар экан. Тушуняпсизми?!

Энди эса қуйида келадиган маълумотларни диққат билан ўрганиб чиқинг. Чунки ҳамма ишларингизни юриштирувчи калит қаерда эканлигини билиб оласиз.

Бу билимларга эга инсонда муаммолар ҳеч қандай кўрқув уйғотмайди. Бу билимларни ўзлаштириб олсангиз муаммоларингизни тез ва осон ҳал қила оладиган бўласиз. Бу Сизга қизиқми?

Қани бошладик!

Гап шундаки Сизнинг ишларингиз юришмаслиги **УМУМАН МУМКИН ЭМАС**. Бунинг ҳеч иложи йўқ! Тушуняпсизми?! Сизнинг ишларингиз **ДОИМО ЮРИШИБ КЕЛГАН, ЮРИШИБ КЕЛЯПТИ** ва бундан кейин ҳам **ДОИМО ЮРИШИБ БОРАВЕРАДИ!**

Ҳа, ҳозир Сизни тушуниб турибман. Бу ҳақиқатни нафақат тан олиш, балки эшитишнинг ўзи ҳам оғирлик қилади. Сизда дарҳол «Қанақасига? Ахир қарзларга кўмилиб ётган бўлсам – шу ҳолатни иши юришган деб бўладими? Ахир ортиқча

вазним борган сари яна ҳам ортиб бораётган бўлса, бунини ишлар юришган дейиш мумкинми? Ахир соғлигим кундан-кун ёмонлашиб бораётган бўлса мен қандай қилиб ишларим юришиб келяпти деб айтишим мумкин?!» каби саволлар пайдо бўлиши аниқ.

Ҳозир бу каби саволларингизга ойдинлик киритиб оламиз. Натижада ҳақиқатдан ҳам ишларингиз доимо юришиб келишига ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Гап шундаки, биздаги хоҳиш ва истакларнинг манбаи иккита:

- ақлимиз ёрдамида ҳосил бўлаётган хоҳиш ва истаклар,
- ботиний онгимиздаги хоҳиш ва истаклар.

Шуни яхшилаб англаб олинг-ки: **доимо ботиний онгимиздаги хоҳиш ва истаклар амалга ошиб келади!** ҲАР ДОИМ!!! - бу факт!

Бу иккала манбадан келаётган хоҳиш-истаклар бир бирига мос келса – бу идеал ҳолат бўлиб, истакларингиз тезда, кўз

очиb юмгунигизча рўёбга чиқади. Сизда бирор нарсага хавасингиз кетганда тез орада уни қўлга киритган ҳолатлар бўлганлигини эсласангиз керак.

Агар бу иккала манбадан келаётган хошиш-истаклар бирига мос келмаса – у ҳолда ҳар доим ботиний онгимиздаги хошиш ва истаклар амалга ошиб келаверади.

Шунинг учун ҳам бутун дунёдаги барча муваффақият устозлари ботиний онг (подсознание) ҳақида тинмай гапиришади. Истакларни ботиний онгга жойлаш энг муҳим иш эканлигини қайта-қайта таъкидлашади. Тушуняпсизми?!

Ботиний онгимиз биздаги 90% (айрим манбаларда 99%) жараёнларни бошқаради, ақлимиз эса – бор йўғи 10% (ёки айрим манбаларга кўра 1%) ҳолатни бошқаради. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг – қайси бири кучли? Албатта БОТИНИЙ ОНГ!!!

Ақлингиз кераклигини билиб турган ишни ҳам қила олмай юрган вақтларингизни бир эслаб кўринг. Ана шунда ким

кимлигини тушунасиз. Чунки ақл билан қанчалик хохласангизда аммо қўлингиз ҳеч ишга бормаиди, доимо ортга сураверасиз. Ёки ўзингизни мажбурлаб, ирода кучингиз билан бошласангиз ҳам 2-3 кунда ҳаммасини ташлаб қўясиз. Бундай ҳолатлар Сизга таниш бўлса керак. Буларнинг барчаси ботиний онгнинг иши.

Буларни ўқиб туриб Сизда савол туғулиши табиий – нима, ботиний онгимиз бизга душманми? Асло йўқ. Ботиний онгимиз бизнинг энг яқинимиздир, бизни доимо ҳимоя қилувчи, яшовчанлигимизни таъминловчи энг муҳим қисмимиздир. Унинг нега ўзини бундай тутишини, яъни ақл хохлаётган истакларга нисбатан нега қаршилик қилишини ҳозир билиб оламиз.

Гап шундаги ботиний онгимиздаги истаклар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу истакларни ҳам биз ақлимиз билан жойлаймиз. Бу истакларни ҳам ўз хохишимизга кўра, ўз эркин танловимизга кўра ботиний онгимизга жойлаганмиз. Фақат бу ишлар анча олдин, ёшлигимизда бўлган ёки таҳлил қилинмасдан амалга ошган.

Энди буларни юқорида келтирган мисолларимизда кўриб чиқамиз.

Ўз бизнесини оча олмаётган ёки ҳозирда бор бўлган бизнесини ривожлантира олмаётган одамни олиб қарайлик. Бу ерда ақл қўйган истаклар билан ботиний онгдаги қарашлар мос келмаяпти. Акс ҳолда ҳамма ишлар юришиб кетган, бизнес очилган ёки янада гуллаб яшнаган бўларди.

Ақл ёрдамида қўйилган истак: ўз бизнесини очиш ва шу орқали даромадини ошириб фаровон яшаш.

Ботиний онгдаги истак (қараш): бизнес очиш хавфли, агар банкрот бўлсанг ҳаммага шарманда бўласан. Қарзга ботиб кўчада бош кўтариб юра олмайдиган бўласан. Кейин сенга бу кун ҳам йўқ. Ундан кўра тинчгина юрганинг яхши.

Энди тасаввур қилинг 100 та овоздан 90 таси бизнес очиш хавфли, шарманда бўлишга олиб келади деб турса. Қолган 10 таси эса бизнес очиш фойдали, даромад ошади, турмушимиз

яхшиланади деган фикрни тасдиқласа. Хўш, қай бири енгади? Танангизнинг 90 қисми бир тарафга тортса, қолган 10 қисми бир тарафга тортса – қайси томонга силжийсиз? Гап нимада эканлигини энди тушунгандирсиз?

Фанни ўзлаштиришда 100 баллдан 90 балл олган талабани аълочи дейилишини билсангиз керак. Бундай талабани иши юришмаган, дангаса ва билимсиз деб айтилмайди-ку?! Нега энди 90% лик аҳамиятга эга бўлган мақсадингиз амалга ошиб турганда «Менинг ишим юришмаяпти!» дейишингиз керак экан?

Сизнинг 90% аҳамиятга эша мақсадингиз – бу банкрот бўлмаслик, шарманда бўлмаслик, қарзга ботмаслик бўлса ва қолган 10% аҳамиятга эга мақсадингиз ўз бизнесингизни очиш бўлса қай бир мақсадингиз амалга ошса ишим юришди деб айтасиз? Нега Сизнинг ишларингиз доимо юришиб туришини, юришмаслиги умуман мумкин эмаслигини энди тушунгандирсиз?

Бизнес очиш – бу банкрот бўлиш дегани, бу шарманда

бўлиш дегани, бу катта қарзга ботиш дегани каби қарашлар ботиний онгингизга қаердан келиб қолди? Хавотир олманг – ҳеч ким Сизга бу қарашларни мажбуран сингдирмаган. Сизнинг ботиний онгингизга бирор қарашни мажбуран сингдиришнинг умуман иложи йўқ.

Буни амалга оширишнинг бирдан бир йўли – бу Сизнинг ўз хохшингизга биноан ўзингиз қилишингиздир.

Тасаввур қилинг. Оила даврасида нонушта қилиб ўтирибсиз. Отангиз *«Фалончи магазин очганди. Ҳозир ишлари юришмай катта қарзга ботиб қолибди. Одамларга ҳам ҳайронсан, кам даромад топаётган бўлса ҳам қаноат қилиб тинчгина юрса бўлмайdimи?!»* деб гапириб қолди. Ёш болалар ҳали таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлмагани учун бу ҳолатни, яъни бизнес очиш – бу катта қарзга ботиб шарманда бўлиб юриш экан деган қарашни дарров ўзига сингдириб олади.

Бу қарашга эга бўлиб вояга етган инсон ундан қутулмасдан туриб ҳеч қачон ўз бизнесини бошлай олмайди.

Бошлаганда ҳам худди «отаси айтганидек» ишлари юришмай қарзга ботиб қолади. Тамом вассалом.

Шуни яхшилаб англаб олинг-ки, Сиз «Менинг ишларим юришмаяпти!» деганда ақлингизнинг хохишларини, яъни 10% лик аҳамиятга эга мақсадларингизни назарда тутаётган бўласиз.

Аммо, ўзингизни яхшилаб таҳлил қилиб чиққач биласизки, аслида эса 90% лик аҳамиятга эга мақсадларингиз амалга ошиб келаётган ва ботиний онгингиз нуқтаи назаридан ишларингиз юришаётган бўлади. Ўзи шунақа. Ботиний онгимиз ишлар юришмаслик нима эканлигини умуман билмайди. Унинг ишлари доимо юришади.

Шуни аниқ билиб олинг-ки, Аллоҳ брак маҳсулот яратмайди.

Сиз билан бизни мукаммал қилиб яратган. Ботиний онгимиз омадсизлик, муваффақиятсизлик нима эканлигини умуман билмайди. Унга бу каби тушунчалар умуман бегона. УНИНГ ИШИ ҲАР ДОИМ ЮРИШИБ КЕЛГАН, ЮРИШИБ

КЕЛЯПТИ ВА БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ЮРИШИБ
КЕТАВЕРАДИ!

Ботиний онгингиз Сизнинг 90% (айрим манбаларга кўра 99%) қисмингизни ташкил қилишини эътиборга олсак, демак Сизнинг ИШИНГИЗ ҲАМ ҲАР ДОИМ ЮРИШИБ КЕЛГАН, ЮРИШИБ КЕЛЯПТИ ВА БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ЮРИШИБ КЕТАВЕРАДИ!

Бу маълумотлардан қилинадиган навбатдаги ЭНГ **МУҲИМ** хулоса – ўзингизга омадсиз, иши юришмаган, дангаса ва ҳоказо салбий сифатларга эга инсон сифатида қарашни тўхтатинг.

Ҳозирда нимага эга бўлган бўлсангиз (қарзми, касалликми, ортиқча вазнми, бойликми, соғликми, чиройли қомадми фарқи йўқ) барчасига ўзингиз ўз хоҳишингизга кўра эришгансиз.

Ҳа, тўғри тушундингиз касалликка ҳам ўзингиз эришгансиз – тўғрироғи Аллоҳдан сўраб олгансиз, қарзга

ботишни ҳам ўзингиз хоҳлагансиз – Аллоҳдан сўраб олгансиз, ортиқча вазн ҳам Сизнинг хоҳиш ва истагингиз, қалбингиздаги ўз дуоингиз натижасидир.

Ахир шунча ишни қила олган инсонни омадсиз, дангаса, иши юришмаган деб бўладими? -)

Қувончли хабар шундан иборатки, шунча ишни қила олган одам сифатида буларнинг аксини ҳам бемалол қила оласиз. Яъни, қарзларингиздан халос бўлиб эркинликка чиқишингиз, ортиқча вазндан халос бўлиб, чиройли ва хушбичим қомад соҳибасига айланишингиз, касалликларингиздан буткул қутулиб, мутлоқ соғлом инсон бўлишингиз мумкин.

Қандай қилиб дейсизми?

Бунинг йўли оддий. Шунчаки бу мақсадларингиз борасида ботиний онгингиздаги қарашларни аниқлаш ва уларни ўзингизга мос қилиб ўзгартиришингиз керак, холос.

Ақлингиз хоҳиши - «қарзлардан қутулиш» бўлсада, аммо

10% лик кучга, аҳамиятга эга.

Ботиний онгингиздаги қарашга кўра эса – қарзларингиздан қутулсангиз маишатга берилиб кетишингиз мумкин (*бу мисол учун келтирилган вариант, Сизда буткул бошқа қараши бўлиши табиий ҳол*). Ботиний онгингиз 90% кучга ва аҳамиятга эга бўлгани учун – натижада қанча ҳаракат қилсангизда қарздан қутула олмай юраверасиз. Тушуняпсизми?!

Чунки 90 та овозга кўра қарздан қутулиш маишатга берилиб кетиш ва оила барбод бўлишига олиб келиши аниқ бўлиб турганда, 10 та овозга эга қарздан қутулиш мақсади амалга оширилмайди. 10 та овоз деб 90 та овозга қарши чиқиш мантиқсизлик эканлигини ўзингиз ҳам тушуниб турган бўлсангиз керак.

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, ишларингизни юришиб кетиши учун қуйидагиларни бажаришингиз керак бўлади:

1. Ишингиз юришмаслиги умуман мумкин эмаслигини, Сизнинг ишингиз доимо юришиб келаётганини қабул қилинг.

Буни қабул қила олмасангиз ушбу китобни бошидан қайтадан ўқиб чиқинг.

2. Юришмаётган ишингиз юзасидан ботиний онгиздаги қарашлар нима эканлигини аниқланг. Яъни, ботиний онгингизда жойлашган ва 90% кучга ва аҳамиятга эга бўлган асл мақсадингиз нима эканлигини билиб олинг.

Бунинг учун ўзингизга *«Нега ишларим юришмаяпти?»* деб эмас, балки *«Ишларим юришмаслигидан қандай фойда оляпман? Ақлим нима хохлаётганини билиб турибман, аммо бу борада ботиний онгимдаги қарашлар қандай? Мақсадимга эришсам мен ёқтирмайдиган ёки кўрқадиган нималар содир бўлиши мумкин?»* каби саволларни беришингиз керак.

Бу саволларнинг жавоби Сизни ўз мақсадингиз сари тўсиб турган чекловчи қарашларингиз бўлади.

3. 2-қадамда топилган чекловчи қарашларингизни ўзгартиринг (трансформация қилинг). Бунинг учун қарашларни ўзгартиришда фойдаланиладиган исталган усуллардан фойдаланишингиз мумкин.

Ушбу китобдан олинадиган энг аосий хулоса –
ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА!

**Янги, фойдали ва ривожлантирувчи илмларни
ўзлаштиришда Аллоҳ ёр бўлсин!**

Ҳа, айтганча!

Агар Сиз ишингиз юришмаслигининг асл сабабини топишни ва уни бартараф қилишнинг осон ва синалган усулини ўрганишни истасангиз, марҳамат!

Сизни «Ишларни қандай қилиб юриштириш мумкин?» номли онлайн тренингимизга таклиф қиламиз.

Бу тренингда Сиз:

✓ ишингиз юришмаслигининг асл сабабини

аниқлашнинг жуда оддий ва ўта самарали усулини ўрганасиз.

✓ аниқ мақсадингиз йўлидаги аниқ тўсиқни билиб оласиз, англаб етасиз. Бунда ҳаммаси аниқ равшан бўлади.

Агар муваффақиятга эришиш борасидаги китоблар билан таниш бўлсангиз, турли тренингларда қатнашган бўлсангиз, шуни биласизки – ҳамма муваффақиятсизликнинг сабаби ботиний онгингиздаги чекловчи қарашларда.

Аммо бу китобларда ва тренингларда айнан қайси чекловчи қарашингиз қайси мақсадингизга тўсқинлик қилишини аниқлаш ҳақида одатда ҳеч бир усул ўргатилмайди.

Натижада Сизда «Менда чекловчи қарашлар бор, аммо аниқ қандай чекловчи қарашлар борлигини эса билмайман!» деган бош оғриғи пайдо бўлади, холос. Бизнинг тренингимизда эса ҳаммаси аниқ ва лўнда бўлади!

✓ Энг муҳими – чекловчи қарашларингизни ўзингиз учун фойдалисига ўзгартиришнинг жуда осон ва содда усулини ўзлаштириб оласиз. Усул шунчалик кучлики – Сиз ишонмасангиз ҳам иш бераверади.

Бу усул ёрдамида нафақат чекловчи қарашларингиздан, балки турли хасталиклардан, ўзингизни қийнаб келаётган салбий ахлоқларингиздан ҳам халос бўлишингиз мумкин.

Тренингда қатнашиш учун икки хил пакет бор:

1. «Оддий» – иштирок этиш баҳоси 200 000 сўм. Пакет ичига қуйидагилар киради:

- чекловчи қарашларни аниқлаш усули,
- чекловчи қарашларни ўзгартириш техникаси.

2. «ВІП» – иштирок этиш баҳоси 400 000 сўм. Пакет ичига қуйидагилар киради:

- чекловчи қарашларни аниқлаш усули,
- чекловчи қарашларни ўзгартириш техникаси,

–Шухрат Эшмуродов бошчилигида сеанс. Бунда ўзингиз танлаган аниқ мақсадингиз йўлида тўсқинлик қилаётган чекловчи қарашингизни биргаликда аниқланади ва фойдалисига ўзгартириш устида ишланади.


Агар Сизга ишингиз нега юришмаётганлигининг сабабини аниқлаш ва бу сабабларни тезда бартараф этиш қизиқ бўлса – марҳамат!

ҲОЗИРОҚ МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Тел.: +998 93 541 74 79

Телеграм: http://t.me/shuxrat_eshmurodov

Ҳар доимгидек тез ҳаракат қилганларга, яъни **25.03.2019** йилгача харид қилганларга қуйидаги тренингларимиздан исталган бирини **СОВҒА** сифатида **БЕПУЛ** тақдим қиламиз:



Тезроқ ҳаракат қилинг!

Бизнинг канал: http://t.me/trening_kitob